

ГЛОБАЛ ТАЪЛИМНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

М. Бозоров ¹

Аннотация:

Ушбу мақолада замонавий глобаллашув шароитида глобал таълимнинг ривожланиш хусусиятлари кўриб чиқилган. Глобаллашувнинг таълим жараёнларига таъсири ва янги аср талабларига мослашуви, шунингдек, таълимнинг янги технологиялар ва ўқитиш усуллариини жалб қилиш ва интеграция қилиш орқали мослашуви муҳокама қилинган.

Калит сўзлар: глобал таълим, глобаллашув, интеграция, таълимда янги технологиялар, барқарор ривожланиш, глобал жамият, таълим тизимларининг мослашуви.

doi: <https://doi.org/10.2024/g4syp45>

XX-асрнинг охирида глобаллашув жаҳон ҳамжамияти ривожланишининг энг муҳим шакли ва айни пайтда янги босқичига айланди. Глобал муаммолар табиатан бутун инсоният тақдирига таъсир қила бошлади. Глобаллашув жаҳон тараққиётининг объектив омили сифатида инсониятнинг ягона бир бутунликка интеграциялашув жараёни ҳисобланади ва янги ривожланиш даврини тавсифлайди.

Янги аср бошларига келиб, жаҳон ҳамжамияти томонидан “глобаллашув”, “глобал иқтисодиёт”, “глобал экология” каби тушунчалар тизимида “глобал таълим” тушунчаси ҳам кирди ва кенг кўламда қўлланила бошланди. Демак, XXI-асрда бутун дунёда таълим жараёни устувор йўналишлардан бирига айланиб бормоқда, чунки у асосан бутун дунё, ҳар бир давлатнинг келажагини белгилаб беради ва глобаллашув жараёнларида фаол иштирок этади [1;131].

Олимлардан С.В.Камашев ва Т.С. Косенколарнинг эътироф этишларича, ҳозирги даврдаги ижтимоий тараққиёт замонавий жамиятда таълимнинг ўрни ҳақидаги қарашларни тубдан қайта кўриб чиқишни тақазо этмоқда. Ўзининг келажагини ўйлайдиган жамият таълим, уни ривожлантириш ва такомиллаштириш муаммоларига тобора жиддийроқ мурожаат қилмоқда, чунки янги асрнинг маърифатпарварлиги, инсонпарварлиги масаласи кун тартибида турибди. Ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига босқичма-босқич кириб келаётган жаҳон глобаллашуви таълим соҳасини ҳам қамраб олмоқда [2;127]. Шунинг учун таълим соҳасини глобаллашув жараёнидан ажратиб таҳлил қилиш ва хулосалар чиқариш мумкин эмас.

Жамиятда таълим ижтимоий институт сифатида муҳим аҳамиятга эгадир. Ф. Абдувалиевнинг тўғри таъкидлаганидек, таълим – бу инсонларнинг бутун бир ҳаётлари давомида орттирган билим ва тажрибаси, онг ҳамда кўникмаларини алоҳида тартибга келтириб, қайтадан уларнинг ўзларига қайтариб бериш учун

¹ Бозоров Мустафо Жабборович, Самарқанд давлат чет тиллар интитуту Гуманитар фанлар ва ахборот технологиялар кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди

шакллантирилган ижтимоий тизимдир. У фақатгина маданий қадрият ва ижтимоий меъёрларни ўзида мужассамлаштириб қолмасдан, балки авлодлар ворислигини таъминлаб бериш учун тарбиявий, ҳиссий жараёнларни ҳам мушоҳада қилишга ўргатади [3;99]. Бунда бир қанча жараёнлар диалектик алоқадорлигининг мавжудлиги намоён бўлади.

Глобаллашув муаммоларини муваффақиятли ҳал этишнинг муҳим омилларидан бири, бу таълим бўлиб, унинг мақсади инсонни янги муҳитда меҳнат қилишга тайёрлашдир. Глобаллашув интеграция жараёни сифатида таълим учун янги имкониятлар яратади. Бу шароитда таълим жамият ривожланиши ва тараққиётида катта роль ўйнайди. Демак, таълимни модернизация қилиш-замон талаби, замонавий ҳаётнинг шартидир. Бунга асосланмайдиган ҳар қандай миллий таълим тизими истиқболга эга эмас. Мутлақ кўпгина давлатларда таълим тизимининг сифати миллий фаровонликка ҳал қилувчи таъсир кўрсатиши бежиз таъкидланмайди.[4;97].

Глобаллашувнинг асосий таъсиридан бири бу одамлар ва капиталнинг ҳаракатчанлигини ошириш бўлиб, бу сифатли таълимга бўлган эҳтиёжни оширади. Шунингдек, глобал иқтисодий ўзгаришлар, таълим муассасаларининг ўзгаришларга самарали дош бера олиши ва юқори сифатли таълимни таъминлаши учун мослашувчан бўлишини талаб қилади. Чунки глобаллашувнинг асосий хусусиятларидан бири одамларнинг мамлакатлар ўртасида эркин ҳаракатланишидир. Бу жараён таълим учун кўпроқ имкониятларни яратади. Дунёнинг ҳамма нуқтасида таълимнинг мавжуд бўлиши имконияти вужудга келса, глобаллашув бу мазкур маконда ҳам ушбу ижтимоий феноменга ўз таъсирини кўрсатади. Жумладан, ҳозирги даврда технологияларнинг такомиллашуви ва коммуникацияларнинг ривожланиши масофавий таълим олиш имкониятини кенгайтирди, бу эса кўпроқ одамлар учун таълим олиш самарадорлигини оширди.

Олимлардан А.В. Аракелов ва М.Ф. Алиеванинг нуқтаи-назарларича, глобаллашувнинг таълим учун асосий афзалликларидан бири бу дунёдаги билимлар ва тажрибадан фойдаланиш ҳисобланади. Шунинг учун таълимнинг глобаллашуви – таълим тизимини жаҳон бозор иқтисодиёти талабларига тобора кўпроқ мослаштириш жараёнидир. Иқтисодиётнинг билимга тобора ортиб бораётган боғлиқлиги ягона таълим стандартларига асосланган таълим тизимини яратиш ғоясини келтириб чиқаради. Таълим тизимидаги глобаллашувнинг асосий унсури жамиятни ахбортлаштиришга айланди. Бу компьютер технологияларининг ривожланиши, илмий-техник тараққиётнинг кескин ва жадал босқичи билан бошланган. Юқорида номлари зикр этилган олимлар, кейинги ўттиз-қирқ йиллар ичида таълим глобаллашувининг бир қанча асосий унсурларини ажратиб кўрсатиш мумкин, булар жамиятни ахборотлаштириш, билим сифатини мустақил назорат қилиш тизимини ташкил этиш, хусусан, ягона давлат имтиҳонини жорий этишдан иборат бўлди, деган хулосага келдилар.[5;95].

"Глобал таълим" таълим глобаллашувининг намоён бўлиши, бу жараёнлар ижобий ривожланишининг энг самарали воситасидир. Чунки фақат билимли жамият ва инсониятгина ривожланиш жараёнларини салбий жараёнларга танқидий ҳамда оқилона қарши қўйиши, бошболдоқлик ва зўравонликка барҳам бериши мумкин.

Глобал таълимнинг ролини кенг маънода ва таълим фаолияти субъектининг фуқаролик позицияси нуқтаи назаридан кўриб чиқиш мумкин. Кенг маънода глобал таълим бирдамлик, тенглик ва ҳамкорликка асосланган фаол таълим жараёни бўлиб, бу таълим субъектларига глобал барқарор ривожланиш масалаларига янада онглироқ ёндашиш имконини беради. Глобал таълим, минтақавий чегаралардан қатъий назар, дунёда амалга оширилаётган ташаббусларда фаолроқ иштирок этиш ва жамиятнинг

барқарор ривожланиши ғояларига асосланган янада оқилона қарорлар қабул қилишга ёрдам беради.

Глобал таълим қашшоқликни йўқотиш ва жамиятнинг барқарор ривожланишига ҳисса қўша олади. Ушбу жараёнлар глобал таълим инсон ҳуқуқлари, ижтимоий масъулият мафкураси ва гендер тенглигига асосланганлиги билан боғлиқдир. Глобал таълим субъектга сайёрадаги одамларнинг ҳаётидаги даража ва сифатдаги фарқларни тушунишни осонлаштиради.

Ҳозирги даврда глобал таълимнинг мақсади нимадан иборат эканлиги бутун дунёда долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Таълимнинг моҳияти ва унинг жамиятдаги роли тўғрисида тадқиқот олиб бораётган Р.Р. Хайрутдинов глобал таълимнинг мақсади – муайян маконда яшовчи ҳар бир кишига глобал ривожланиш муаммоларини субъектив равишда англаш ва тушуниш имкониятини бериш, уларнинг мамлакатдаги ва шахсий ҳаётидаги долзарб муаммоларни ҳал қилишда таъсир ролини бевосита оширишдан иборатдир. Шунингдек, глобал таълим бутун дунёда барқарор тинчлик учун ҳар бир инсонга зарур бўлган ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини фаол амалга ошириш йўллари кўрсатиб беради. Глобал таълимнинг асосий тенденциялари дунёда адолат, барқарор яшаш муҳити, тинчлик ва ҳамжиҳатлик, маданиятлараро мулоқот, инсон ҳуқуқлари ва ресурслари ҳисобланади, деган фикрни билдирган.[6;82-83]

Таълим жараёнида тарбиянинг аҳамиятини ошириш зарур, чунки таълимни инсонпарварлаштириш инсонда бошқаларга муҳаббат, раҳм-шафқат, сабр-тоқат, ҳурмат каби муҳим ахлоқий фазилатларни шакллантиришга ёрдам беради.

Замонавий таълим мутахассисларнинг касбий тайёргарлигига юқори талабларни қўяди. Мутахассиснинг касбий маҳоратининг намоён бўлишига инсоннинг интеллектуал касбий маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш билан боғлиқ бўлган эркин ижодий фаолият қобиляти киради. Олий таълим тизими нафақат тор доирадаги мутахассисларни тайёрлаши, балки юксак маънавий, ахлоқий шахсни ва янги мутахассисни шакллантиришга ёрдам берадиган фазилатларни ривожлантириши зарур. Талабалар ёшларнинг энг фаол, ҳаракатчан қисми эканлигини ҳисобга олиш муҳимдир. Чунки улар янгиликка интилувчан, эскиликдан воз кечишга ҳаракат қилувчи қатламга кирадилар ва ўзига хос ижтимоий-психологик фазилатлар билан ажралиб турадилар. У руҳий жиҳатдан ўзига хослик, бағрикенглик даражаси динамикаси, бошқалардан фарқ қилиш истагида намоён бўлади.[7;70].

Таълимнинг глобаллашуви дунёдаги танлаган мамлакатда таълим олиш имкониятини беради ва ўқиш натижасида олинган ҳужжат бутун таълим маконида амал қилади. Таълимнинг глобаллашуви рақобат асосида фанларни, узоқ муддатда эса таълим муассасаларини танлашга ёрдам беради. Бу шундан далолат берадики, ҳар бир таълим муассасаси таълим хизматларини кўрсатиш бўйича пешқадам бўлишга, яъни ўзининг услубий, техник, моддий ва ўқув базасини шакллантириш ва такомиллаштиришга ҳаракат қилади.

Демак, глобаллашув ижтимоий ҳаёт тизимида муҳим аҳамиятга эга бўлган таълимни ҳам ўз доирасига қамраб олади. Чунки глобаллашув даврида таълим тизимини модернизация қилмасдан тараққиётга эришиб бўлмайди. Шунинг учун, таълим соҳасидаги интеграция ижтимоий тараққиётнинг муҳим омилларидан биридир. Бу интеграция албатта объектив ва субъектив омилларни инобатга олишни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- [1]. Камашев С.В., Косенко Т.С. Глобализация образования и «глобальное образование» в современном мире.//Философия образования. № 6(45), 2012.
- [2]. Камашев С.В. , Косенко Т.С. Глобализация образования и «глобальное образование» в современном мире.//Философия образования. № 6(45), 2012.
- [3]. Абдувалиев Ф. Мигрантларнинг таълим муҳитига мослашуви: социологик таҳлил// Ижтимоий тадқиқотлар журналы/Журнал социальных исследований/. № 1. 2021.
- [4]. Щелкунов М.Д. Образование в эпоху глобализации.// Вестник экономики, права и социологии. 2008. № 2.
- [5]. Аракелов А.В., Алиева М.Ф. Система образования в условиях глобализации.// Вестник Адыгейского государственного университета. Серия. Регионоведение: философия, история, социология, юриспруденция, политология, культурология. 2014. №4.(148).
- [6]. Хайрутдинов Р.Р.Глобализация образования и мир глобального образования.//Глобальная экономика и образования.2021; (2).
- [7]. А. С. Бегалинов, К. К. Бегалинова Проблемы современного образования в контексте глобализационных процессов. Философия образования, № 4(61), 2015.